



ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР МАВЖУДЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 декабрь куни Венгриянинг энг йирик “ОТР” банки бошқаруви раиси Шандор Чаньини қабул қилди.

Олий даражадаги мунтазам учрашувларда эришилган келишувларга мувофиқ Венгрия компаниялари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда қўшма кооперация лойиҳаларини илгари суриш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Шандор Чаньини “Ипотека-банк” акцияларининг давлат улушини харид қилиш бўйича битим муваффақиятли якунига етказилгани ва Европанинг етакчи банк-молия институти Ўзбекистон бозорига кириб келгани билан самимий табрикланди.

Учрашувда Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқларида, шу жумладан, саноат, қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик ва паррандачилик, озиқ-овқат ва тўқимачилик, фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга Венгрия ва Евроиттифокнинг бошқа мамлакатларидан

тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, олий таълим ва профессионал кадрлар тайёрлашда, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини оширишда яқиндан ҳамкорлик қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Қўшма лойиҳалар ва ҳамкорлик дастурларини қўллаб-қувватлаш ва илгари суришга доир биринчи галдаги чора-тадбирлардан иборат “йўл харитаси”ни қабул қилишга келишиб олинди. Учрашув якунида давлатимиз раҳбари ҳузурида “ОТР” банки томонидан “Ипотека-банк” акцияларининг давлат улушини сотиб олиш тўғрисидаги битимни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Матбуот хизмати
сурати.

КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 12 декабрь куни фтизиатрия ва пульмонология соҳасини ривожлантириш, ОИТС касаллигининг олдини олиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 13 февралдаги қарори билан фтизиатрия ва пульмонология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинган эди. Бу сезиларли натижа бериб, касалланганлар умумий сони 2 мингга камайди. Янги касалланиш ҳолати 10 фоизга, ўлим ҳолати 17 фоизга қисқарди.

Лекин сўнгги йилларда коронавирус эпидемияси сабабли юртимизда ўпка касалликлари бўйича диспансер назоратидаги беморлар сони 18 фоизга ошган.

Худудларда туберкулёз бўйича 5 хил юқори технологик жарроҳлик амалиётига талаб бўлса-да, бу хизматлар фақат Тошкент ва Нукус шаҳарларида тулиқ йўлга қўйилган.

Одам иммунитетини танқислиги вируси билан касалланиш ҳолатлари ҳам, афсуски, кўпаймоқда.

Бу, айниқса, Тошкент шаҳри, Андижон ва Самарқанд вилоятларида долзарб.

Шу боис, йиғилишда мазкур икки соҳадаги навбатдаги чора-тадбирлар мутахассислар иштирокида муҳокама қилинди.

Президентимиз келгуси йилдан бошлаб “Ўпка саломатлиги” мобиль бригадаларини ташкил этиб, чекка худудларда болаларни скрининг текширувларидан ўтказиш бўйича топширик берди.

Туберкулёз инфекциясининг молекуляр-генетик диагностикасини, яширин инфекцияси бор беморларни аниқлаш ва профилактик даволаш камровини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Вилоят ҳокимларига худудлардаги Фтизиатрия сийатгоҳларини таъмирлаш ва жиҳозлаш, бактериология лабораторияларини ташкил этиш топширилди. Соғлиқни сақлаш вазирлигига туберкулёз билан

касалланган беморларни дори воситалари билан бепул таъминлаш вазифаси қўйилди. Бунга давлат бюджетидан 40 миллиард сўм ажратилади.

ОИВ инфекцияси бўйича ҳам текширувни кенгайтириб, 3 миллион аҳолини қамраб олиш чоралари белгиланди. Бундай беморлар ҳам 22 турдаги вирусга қарши дорилар билан бепул таъминланади.

Худудий ОИТС маркази ва туманлараро лабораторияларни таъмирлаш, уларни замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлашга масъуллар бириктирилди.

Тиббиётнинг бирламчи бўғини ходимларини ОИВ инфекцияси бўйича малакасини ошириш, аҳоли ўртасида касаллик ва унинг оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишларини кучайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Умуман, буларнинг барчасини инobatта олиб, фтизиатрия, пульмонология ва ОИТС ўйнашларида дастурий қарорлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИ АВТОБЕНЗИН МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН УЗЛУКСИЗ ТАЪМИНЛАШ ВА УЛАРНИНГ НАРХЛАРИ КЕСКИН ОШИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Куз-қиш мавсумида истеъмолчиларнинг автобензин маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ўз вақтида таъминлаш, уларнинг нархларини барқарорлаштириш ҳамда аҳолининг ортиқча сарф-харажатларини қисқартириш мақсадида:

1. Энергетика вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитасининг **2022 йил 10 декабрдан 2023 йил 1 мартга қадар** импорт қилинадиган, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган ва тадбиркорлик субъектлари томонидан якуний истеъмолчиларга сотиладиган АИ-80 русумли автобензин маҳсулоти учун, истисно тариқасида, **акциз солигини “ноль” ставкада қўллаш** тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш

инспекцияси ҳамда Электр энергетикада назорат инспекцияси ўтказиладиган текширувлар натижалари бўйича **автобензин маҳсулотларининг ортиқча йўқотишларига ва талон-торожликларга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган жазо чораларини қўллаш**, шунингдек, уларнинг фаолиятига ҳуқуқий баҳо бериш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдимномалар киритиб борсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 12 декабрь

ЭҲТИРОМ

ДАҲОЛИК ҚУДРАТИ

Буюк одамларнинг ҳаёт фаолиятини ҳеч қачон битта мезон ёки битта ўлчов билан баҳолаб бўлмайди. Уларнинг буюклиги ҳаёт фаолиятининг серқирралигиди. Уларнинг ҳаёти инсониятнинг тақдири, бутуни ва истиқболи билан боғлиқ бўлган, глобал дунёнинг глобал муаммоларини ўзида ифода этган буюк ҳаёт йўлидир.

▶ Давоми 5-бетда

МУНОСАБАТ

ЮКСАК ЭЪТИБОР ЯНГИ МАРРАЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

Президентимизнинг Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунги муносабати билан йўллаган самимий қутлови кўнглимизни фахр-ифтихорга тўлдирди. Бинобарин, кейинги йилларда пешона тери, фидокорона меҳнати билан ноз-неъмат ундириб, ҳаётимизга қут-барака киритишга ҳисса қўшиб келаётган миришкор деҳқонларимизни қўллаб-қувватлаш, манфаатдорлигини ошириш борасидаги ислохотлар ҳақида ҳар қанча гапирсак оз.

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 июлда қабул қилинган ПФ-3781-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгашининг 2022 йилги Давлат мукофотлари бўйича таклифига асосан мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган, халқаро миқёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлари, замон талабларига жавоб берадиган юксак, мазмунан долзарб ижодий ишлари учун:

Биринчи даражали Давлат мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

фан ва техника соҳасида:

Санакулов Кувандик, Снитка Николай Павлович, Усманов Рустамжон, Эргашев Улугбек Абдурасулович, Мустакимов Отабек Маннабиевичга — “Технологик ва ишланиши мураккаб бўлган олтин таркибли маъданларни қайта ишлаш ва ўзлаштиришнинг комплекс технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш” бўйича илмий-амалий ишланмаси учун;

адабиёт соҳасида:

Каримов Наим Фатиховичга — “Абдулла Қодирий замондошлари” асари учун;

санъат ва меъморчилик соҳасида:

Аликулов Алишер Махмудовичга — Самарқанд вилоятидаги Имом Бухорий илмий-тадқиқот маркази ҳамда Тошкент шаҳридаги “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасида жойлашган “Шон-шараф” музейида ишланган маҳобатли рангтасвир асарлари учун.

Иккинчи даражали Давлат мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

фан ва техника соҳасида:

Квинт Владимир Львовичга — “Амир Темурнинг стратегик етакчилиги: “Тузуклар”га изоҳлар” илмий монографияси учун;

санъат ва меъморчилик соҳасида (санъат ва меъморчилик соҳасида кўзда тутилган 1 та иккинчи даражали Давлат мукофоти ўрнига 2022 йил учун истисно тариқасида 2 та иккинчи даражали Давлат мукофоти берилиши белгилансин):

Миртаджиев Джалалитдин Турсуновичга (марҳум) — мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ва бир қатор хорижий мамлакатларда ишланган ҳайкалтарошлик асарлари учун;

Мухаммеддинов Нажимаддинга — “Гулпа-яшна, Ўзбекистоним!” симфоник поэмаси, “Айжамал” балети ва “Гулойим” операсига ёзилган мусиқий композициялари учун.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 12 декабрь

МУНОСАБАТ



ЮКСАК ЭЪТИБОР ЯНГИ МАРРАЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

Муяссархон ТОЖИБОЕВА,
Ўзбекистон
Республикасида хизмат
кўрсатган пиллакор

Бошланиши 1-бетда

Қарийб қирқ йилдан буён пиллачилик соҳасида меҳнат қилиб келаман. Бундан беш-олти йил аввал пилла етиштириш, озуқа базасини ривожлантириш, пиллакорлар манфаатдорлигини ошириш йўлидаги ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилгани ҳеч кимга сир эмас. Бироқ Президентимиз ташаббуси билан пиллачиликка эътибор ошди. Энди ҳар бир килограмм пилла учун тарози бошида ҳисоб-китоб қилиш, субсидия ажратиш, мавсумда ишлаган касаначи пиллакорларга меҳнат стажлари ёзиш борасида татбиқ этилган янги тартиблар пилла хомашёси етиштириш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот сифатида ички ва ташқи бозорга сотиш имкониятини кенгайтирмоқда.

Жумладан, Фарғона вилоятида ҳам мўл ва сифатли пилла етиштиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бугунги кунда вилоятда “Нурли тонг силк”, “Beshariq ipagi”, “Dang’ara ipagi”, “Silk world business”, “Uchko prik ipagi”, “Водил ипак йигирув” каби олти пиллачилик кластери фаолият кўрсатмоқда. Кластерлар томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 7,5 миллион долларлик ипак маҳсулотлари экспорт қилинди.

2022 йилда вилоятимизда 39 минг 168 қути ипак қурти тарқатилиб, қарийб 2 минг 241 тонна пилла хомашёси етиштирилди. Келаси мавсумда вилоятимизда 41 минг 187 қути ипак

қурти парваришланиб, 2 минг 389 тонна пилла олиш режалаштирилган. Соҳа ривож йўлидаги ислохотлар янги ишлаб чиқариш тармоқларини кўпайтириш билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлашда қўл келмоқда. Шу кунга қадар ипак қурти парваришига 97 минг фуқаро жалб этилди.

Фақат бугина эмас. Вилоятимизда ипак қурти уруғлари 2017 йилдан “Фарғона тут ипак қурти уруғчилик корхонаси” ва “Марғилон муқобил ипак қурти уруғчилик” МЧЖларда тайёрланиб келинмоқда.

Ипакчиликда озуқа базаси муҳим ўрин тутади. Ҳозир вилоятимизда 3 минг 692 гектар тутзор мавжуд. 275 гектар эскирган тутзорда режа асосида қайта тиклаш, серхосил тут қўчатлари етиштириш ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, Фарғона туманида “Водил ипак йигирув” шуъба корхонаси ёрдамчи тутчилик хўжалигида барча ҳудудларга тут қўчатлари етказиб бериш йўлга қўйилди.

Вилоятда мавжуд тутзорлар 14 минг 771 аҳолига 4 мавсум ипак қурти боқиб, пилла етиштириш имконини бермоқда. Бундан ташқари, тутзор қатор ораларидан иккиламчи фойдаланиш орқали аҳоли даромадини ошириш учун оилавий пудрат шартномаси асосида 10-30 сотихдан бириктириб берилмоқда.

Бу айтишга осон. Лекин унинг замирида меҳнат ва изланиш, илм-тажриба, манфаатдорлик мужассам. Мавсум охирида, соҳадаги ишлар сарҳисоб қилинаётган ушбу кунларда давлатимиз раҳбари билдирган ишонч бизга катта масъулият юклайди. Албатта, бугун эришган ютуқлар билан чекланмиш қолмаймиз. Чунки эътибор ва рағбат бизни янги марраларга чорлайди.

ИСЛОХОТЛАР — АМАЛДА

ФИДОЙИ МЕХНАТ КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАРНИ ЗАБТ ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Наманган вилоятида жорий йил деҳқончилик учун самарали кечди. Дастлаб илк ҳосил — пилла мўл бўлди. Парваришланган 35 минг 300 қути қуртдан жами 2 минг 30 тонна пилла олинди. Биргина шу йўналишда тўқсон минг кишининг бандлиги таъминланди. Вилоятда мавжуд олтига пиллани қайта ишлаш корхонаси экспортни 10 миллион долларга етказиш арафасида. Янгикўрғон туманидаги янги кластер корхонаси — “Янги замин ипаги” масъулияти чекланган жамияти йил охиригача 100 минг долларлик экспорт қилиши кутилмоқда. Ипак қурти эҳтиёжини тўлиқ қоплаш мақсадида йил якуни билан тўққиз миллион туп тут қўчати экилди.

— Март-апрель ойлари ёмғирли ва ёз фасли ҳарорати юқори бўлгани сабабли ерга қадалган уруғни ундириш ва иссиқ ҳавода даладаги экинни суғориш масаласида бир оз қийинчиликка учрадик, — дейди Наманган вилояти ҳокими ўринбосари Анваржон Ҳакимов. — Аммо саъй-ҳаракатлар беҳуда кетмади. Барча йўналишлар бўйича яхши натижалар қайд этилди. Аҳоли истеъмоли учун зарур маҳсулотлар жамғарилди.

Ҳаллакорларимиз ҳам фаоллар сафида маррани эгаллади. Наманганда мавжуд 67 минг 750 гектар майдондаги ғаллазорнинг ҳар гектаридан ўртача 69 центнердан, жами 465 минг 336 тоннадан ортиқ рисқ-руз йиғилди. Давлат омборларига салкам 201,5 минг тонна дон топширилди. Кластер ва фермер хўжаликлари тасарруфидан ҳар йилгидан кўпроқ ғалла қолди. Вилоят буғдой тайёрлашда республикада етакчи бешлик сафида.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ёз фаслида ғалладан бўшаган майдонлар “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари”да рўйхатда турган ҳамда деҳқончилик қилиш мақсадида мурожаат этган, иш билан банд бўлмаган кишиларга ажрати берилиши анъана тусига кирди. Ҳисоб-китобларга кўра, ушбу майдонларда деҳқончилик қилаётган кам таъминланган қатлам йил якунида қарийб 2 триллион сўм даромад олди.



Вилоят кишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Исроил Ҳошимовнинг билдиришича, Наманганда 30 минг гектар мевадони бўғ ва 10 минг гектар узум бор. Ёўза қатор орасига ўтган йили 25 минг, бу йил эса 10 минг гектар майдонга соя экилди. Дарвоқе, ғалладан қисқартирилаётган майдонлар ўрнида замонавий интенсив боғлар, тоқзорлар барпо қилинмоқда, пиёз, саримсоқпиёз, сабзи, помидор, бод-ринг, ширин қалампир, қарам ва қўқатлар, шолӣ ва мош, ловия, нўхат, ерөнгоқ, картошка, мойли ва полиз экинлари экилмоқда.

Ўзбек пахтасига жорий этилган бойкот бекор қилиниб, тўқимачилик соҳасидаги йирик брендлар мамлакатимиз пахта бозорига қайтмоқда. Вилоятдаги еттита пахта-тўқимачилик кластери томонидан 63 минг 406 гектар майдондан жами 222 минг 486 тонна пахта териби олинди. Улкан хирмонни кўтаришда Мингбулоқ, Поп, Чортоқ, Наманган, Турақўрғон, Чуст, Норин туманлари белгиланган режадан ташқари яна 9 минг 599 тоннадан ортиқ пахта сотди.

— Ўтган беш йил мобайнида вилоятнинг пахта ҳосилдорлиги 10,4 центнерга ошди, — дейди вилоят кишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи Азизбек Абдусаломов. — Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, пахтадан шу йил олинадиган соф даромад

444 миллиард 950 миллион сўмни ташкил этади. Бу маблағ, сўзсиз, оилалар турмуш даражасини ошириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, ҳудудлар инфратузилмасини яхшилаш, иқтисодиётимизни янада ривожлантиришга сарфланади.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 11 январдаги “Наманган вилоятининг Косонсой, Чортоқ ва Янгикўрғон туманларида мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори вилоятда кишлоқ хўжалиги соҳасини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади ва туманлар учун тарихий ҳужжат бўлди.

Унга мувофиқ, 2021-2022 йилларда жами 8 минг 220 гектар — Косонсой туманидан 3 минг гектар, Чортоқ туманидан 2 минг 100 гектар, Янгикўрғон туманидан 3 минг 120 гектар ғалла майдони қисқартирилди. Бу майдонлар, асосан, кишлоқ хўжалиги кластерлари, кооперация, экспортчи, кишлоқ хўжалиги корхоналари, кўп тармоқли фермер хўжаликларига ажратиб берилди.

Мисол учун, Янгикўрғон туманида 12 минг гектардан ортиқ бўғ бўлиб, 5 минг гектарида олманинг турли навлари етиштирилади. Худуддаги 880 фермер хўжалигининг 641 таси боғдорчиликка ихтисослашган ва уларга 15 минг гектардан зиёд ер ажратилган. Олмазорларнинг гектаридан 30 тонна, умумий ҳисобда 150 минг тонна олма териби олинади. Шундан йигирма фоизи қайта ишлашга, қолган саксон фоизи, яъни 120 минг тоннаси ички бозор ва экспортга йўналтирилади.

Машҳур Наманган олмаларининг нафақат номи, ўзи ҳам хориқга етиб бормоқда. 2020 йилда БААнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияси иштирокидаги “Sura general investments” МЧЖ томонидан Янгикўрғон туманининг Ҳадикент ҳудудида жами 108,5 гектар ерда замона-

вий томчилатиб суғориш технологияси қўлланган интенсив боғ ташкил қилинган. Натижада 2021 йил ёз ойларига келиб, биринчи ҳосил — 50 тонна экспортбон ўрик, шафтоли, нок каби мева-лар йиғиб олинди. Экспортбон маҳсулотлардан маҳаллий бозорга ҳам чиқарилди.

2021 йил февраль ойида давлатимиз раҳбари мазкур интенсив боғқа ташриф буюриб, худди шундай боғлар ташкил этиш учун қўшимча 300 гектар ер ажратиш топшириғини берган эди. Шундан келиб чиқиб, юқорида номи келтирилган хорижий корхона томонидан Янгикўрғонда қўшимча 358 гектар ерда умумий қиймати 6 миллион долларлик лойиҳанинг 2 миллион долларлик юмушлари бажарилди.

“Янгикўрғон фрутс экспорт” МЧЖ эса 2018 йил июлидан Юқори Қорағноқ ҳудудида 300 гектар майдонда фаолият бошлаган. Йигирмадан зиёд иш ўрни яратилган жамиятда Грециядан келтирилган “Голден дюшес”, “Гранд смит”, “Скарлет”, “Жереми”, “Пик леви” навили олма ва нок қўчатлари парвариши йўлга қўйилган. Ҳамкорликдаги лойиҳа қиймати 18 миллиард сўмдан иборат. Йилига 12 минг тонна олманинг узидан 36 миллиард сўм даромад олишни мақсад қилган жамият томонидан замонавий илм-фан технологиялари ютуқларини қўллаш орқали юртимиз ва жаҳон бозори учун сифатли ва сархил мева маҳсулотлари етказилмоқда.

“Биз сизларнинг тимсонлигизда ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам ўз касби ва бурчига содиқ қолиб, халқимизга сидқидидан хизмат қилиб келаётган заҳматкаш, мард ва олижаноб инсонларни кўрамыз. Айниқса, бутун дунёда иқлим ўзгариб, ер ва сув ресурслари борасида ҳам турли муаммолар кўпайиб бораётган вақтда ҳақиқий матонат ва жасорат, омилкорлик фазилатларини намойён этиб, барча кишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштириб келаётганингиз юксак таҳсин ва тасанноларга муносибдир”, деди Президентимиз куни кеча кишлоқ хўжалиги ходимларига йўллаган байрам табриғида.

Одамларнинг озиқ-овқат маҳсулотига эҳтиёжини қондириш, бозорларимизни тўқинлигини, нархлар барқарорлигини таъминлашда деҳқон ва фермерларимизнинг ҳиссаси алоҳида. Бозору дўконларимиздаги тўқинлик ва арзончилик, шаҳар ва кишлоқларимиз, хонадонларимиз ободлиги, омбор ва рўзгорларимиз бутлигида ҳам уларнинг хизмати бекиёс. Юртимизда бу ободлик, тўқин-сочинлик даражаси эса ўсиб бормоқда.

Орифжон ЖЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

ФАРЗАНДЛАР РУҲИ БАЛАНД БЎЛСИН

Холниса РАҲМОНҚУЛОВА,
журналист

Юртимизнинг энг чекка ҳудудида ҳам мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш борасида кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш, яхши шарт-шароитда камол топишига катта эътибор қаратиляпти. Зотан, “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги қонунда бунга доир давлат кафолатлари таъминланган. Ҳар бир бола мактабгача таълим-тарбия олиш ҳуқуқига эга экани белгиланган.

Жиззах вилоятининг чекка ҳудудларидан бўлган Фориш туманида ҳам ўғил-қизларнинг қонунда белгиланган ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш борасида муайян ишлар бажарилляпти. Жумладан, ҳудудда 60 та оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ташкил этилиб, айна пайтда уларда бир ярим минг бола тарбияланмоқда. Шунингдек, 57 та қисқа муддатли гуруҳ орқали қўшимча 1710 ўғил-қиз мактабгача таълимга қамраб олинди. Ўтган даврда давлат-хусусий шериклик асосида очилган олти нодавлат мактабгача таълим ташкилотидан 400 дан зиёд бола таълим-тарбия оляпти. Чекка туман миқёсида бу чакана кўрсаткич эмас.

— “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари” ва “Темир дафтар”га киритилган, ўттиз ёшга тўлмаган ёшлардан 15 нафарини боғчага ишга олганмиз, — дейди Фориш туманидаги 7-мактабгача таълим ташкилоти директори Зухра Ғозиева. — Боғчамизда кам таъминланган оилаларнинг 18 нафар фарзанди имтиёзли равишда тарбияланмоқда. Шунингдек, 57 та қисқа муддатли гуруҳ орқали қўшимча 1710 ўғил-қиз мактабгача таълимга қамраб олинди. Ўтган даврда давлат-хусусий шериклик асосида очилган олти нодавлат мактабгача таълим ташкилотидан 400 дан зиёд бола таълим-тарбия оляпти. Чекка туман миқёсида бу чакана кўрсаткич эмас.

етказиб берилляпти. Ошпазларимиз махсус сертификат ва етарли қўникмаларга эгаллиги бу борада қўл келяпти.

Мазкур муассаса 2018 йилда “Обод маҳалла” давлат дастурига киритилган, ўтган йили қурилиш ишлари якунланиб, қайта очилган эди.



Зухра Ғозиеванинг айтишича, боғча артезиан кудуғи орқали ичимлик сув билан таъминланган. “Яшил макон” умумимиллий давлат дастури доирасидаги ишлар ҳам ўз вақтида бажарилляпти. Жумладан, ноябрь ойида 300 тупдан зиёд дарахт экилди. Келгусида боғча ҳовлисида иссиқхона ташкил этилади. Бу истеъмоли учун экологик тоза ва сифатли маҳсулотлар етиштиришда катта аҳамиятга эга.

Бугун кўплаб муассасалар қатори 7-мактабгача таълим ташкилоти ҳам замонавий жиҳозланган. Компьютерлаштирилиб, ҳамма хоналар овозли камералар билан жиҳозланган. Интернет тармоғига уланган. Уйин фаолияти замонавий технологиялар асосида олиб бориляпти. Тарбиячиларнинг саъй-ҳаракати билан бу йил боғча тарбияланувчилари шахмат бўйича ту-

манда тўртинчи, расм чизиш маҳорати бора-бора учинчи ўринни эгаллади. МТТ ҳамшираси “Йил ҳамшираси” кўрик-танловининг ҳудудий босқичида 2-ўринга лойиқ топилди.

Форишда мева-сабзавот ўзида етиштирилиб, сифатли маҳсулотлар билан ўзини ўзи таъминлайдиган муассаса бор. Туманининг “Учқулоч” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 6-мактабгача таълим ташкилоти 2019 йилда қайта таъмирдан чиқарилган. Бугун 150 нафар болани бағрида жамлаган.

— Болалар билимини оширишда кўпроқ масъулият ота-оналарга юклатилади. Ҳар бир ишимиз маҳалла ахли, ота-оналар ва ҳудуддаги 10-мактаб билан ҳамкорликда бажарилади. Мактабгача таълим муассасасига қатнамайдиган болалар учун қисқа муддатли гуруҳлар, тўғарақлар ташкил қилганмиз. Ҳозир бу ерда инглиз тили, мусика, жисмоний тарбия тўғарақлари мавжуд. Фарзандларимизни салоҳиятга ўғил-қизлар қилиб тарбиялашга ҳаракат қилляпмиз. Боланинг жисмоний ҳаракати, руҳий ҳолати, одоб-ахлоқи уйғун бўлса, келажакни таъминлай оламиз. “Яшил макон” умумимиллий дастури доирасида мактабгача таълим муассасасини гулзорга айлантиришни мақсад қилганмиз. Чунки болаларимизнинг тоза табиатни кўргиси, ундан завқ олгиси келади. Бундан руҳи тетик бўлади. Шунинг учун астойдил ишлаяпмиз. Бугун юртимиздаги ободонлаштириш ишлари натижада мактабгача таълим муассасалари ҳам замонавий қиёфа акс этиб бормоқда. Бизнинг чекка ҳудуддаги боғчамизда яратилган шарт-шароитлар фикримизни тасдиқлайди. Бундай имкониятлардан ота-оналар жуда миннатдор. Янгиллиқни таълим-тарбияда қўллаш учун ўқиб жараёнида интерфаол усуллардан фойдаланяпмиз. Бу борада тарбиячилардан тортиб ёрдамчи тарбиячиларни ҳам билим олишга, ўқишга жалб қилиб келяпмиз.

“Ўзбекистон” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 3-мактабгача таълим ташкилотидан уч юздан зиёд тарбияланувчи бор. Рус, инглиз



тили тўғарақлари ишлаб турибди. Яқинда қураш тўғарағи, қаратэ машғулоти йўлга қўйилди. Турли мусобақалар ташкиллаштириб келинмоқда. Ментал арифметика машғулотларини ўтиш йўлга қўйилди.

— Боғчамизда 61 ходим фаолият юритади, улардан 29 нафари педагог, — дейди МТТ методист тарбиячиси Насрин Ибодова. — Инновацион муҳит яратиш бўйича тадбир ташкил этиляпти. Ҳар ойда шундай тадбирлар ўтказилади. Хоналар ой номига мос равишда жиҳозланади. Соҳадаги янгилликлардан бири шуки, болалар онлайн йўқламадан ўтказилмоқда. Бу эса ишimizни енгиллаштирди.

Вилоятнинг олис ҳудудидаги мактабгача таълим муассасаларида яратилаётган шароитлар инсон қадрини улуғлаш, ҳур ва фаровон юртининг болалари соғлом ва билимли бўлиб ўлгайиши учун қилинаётганини аңлатади. Зеро, инсон қадрни улуғлаган юрдагина фарзандлар эркин ва баркамол воғяга етади.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ЎЗИМИЗНИКИГА АЙЛАНГАН

ТАҲЛИЛ

Ҳарорат пасайиб, кунлар совиши билан шамоллаш, тумов каби мавсумий касалликлар ҳам кўпая бошлайди. Бу вазиятда энг тўғри йўл шифокорга учрашиш. Эътибор қилсангиз, хасталикни даволаш учун дорилар рўйхатида, албатта, таркибда лимони бор малҳам ёки лимоннинг ўзини истеъмол қилиш тавсия қилинади. Бундан кўринадики, лимон шифобахшлик хусусиятига эга маҳсулот, Демак, уни кўпайтириш фойдадан холи эмас. Қуйида ушбу маҳсулотнинг фойдали жиҳатлари, унинг Ўзбекистонга кириб келиш тарихи, етиштириш ва кўпайтириш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар ҳақида фикр юритамиз. Бинобарин, эндиликда лимон нафақат саломатлик учун зарур мева, балки катта даромад манбаига ҳам айланмоқда.

Бунинг ўзига хос тарихи бор



Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Аввало, лимоннинг хусусиятларига тўхталсак. Цитрус туркумига кирувчи ушбу хуштаъм маҳсулот яшил тусдаги даракт меvasи ҳисобланади. Ватани — Жанубий ва Жануби-шарқий Осиё минтақаси. Шунингдек, у АҚШ, Мексика, Аргентинада, Ўрта ва Қора денгиз бўйларида ҳам кўп экилади. 1 туп лимон дарахтидан 15-20 килограммгача ҳосил олиш мумкин.

Халқ табиобатида лимон қон босими кўтарилиши, ошқозон-ичак, подагра, атеросклероз, ўпка сили, нафас йўллари шамоллаши, гепатит, бавосир, бод касалликларини даволаш, тана ҳароратини туширишда тавсия этилади.

Лимон меvasи таркибда эфир мойи, органик кислоталар, қанд, каротин, пектин, флавоноид, темир, фосфор, калий, кальций, магний ва бошқа қатор витаминлар мавжуд. Шу боис, у организмда минерал тузлар алмашинуви бузилганида, ангина, фарингит, грипп ва нафас йўллари шамоллашида ёрдам беради.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, сўнгги йилларда инсон саломатлиги учун энг фойдали озиқ-овқат маҳсулотлари қаторидан цитрус мевалар муҳим ўрин эгалламоқда. Яъни улар доимий равионда тобора кенг қўлланилган. Бу мавсумий касалликларга қарши курашиш учун иммунитетни мустаҳкамлаш баробарида тананинг физиологик ҳолатини бир маромда ушлаб туриш, ҳаёт фаоллигини оширишда жуда қўл келяпти.

Қаранг, бугун бозорларимиз, дўконларимиз расталарини тўлдириб турган оддийгина лимоннинг фойдаси қанчалик кўп. “Расталарни тўлдириб турган” деяпмиз-у, аслида бир неча йиллар олдин ҳам цитрус мевалар, асосан, хориждан импорт қилингани боис, анчагина қиммат эди. Оддий одамлар уни ҳар доим ҳам харид қилавермасди. Бугун-чи? Бугун ҳарқалай ундай эмас. Лимон етиштирувчи ҳам, сотиб олувчи ҳам кўпайган. Саволга айтирли жавоблар бор...



ноёб ўсимлик ёхуд лимончилик тармоғи ривожига бир назар



бўлиб, серхосил, барвақт ҳосилга кириши билан ажралиб туради. У лимон навлари ичида энг яхшиси, томорқаларда ўстириш учун жуда қўлайдир. Ушбу навли лимон енгил тупроқли унумдор ерларда яхши ўсади. Меъёрий шароит яратилганда йил давомида гуллаб, ҳосил бериши мумкин. Бу нав ўзидан қанглиши билан афзал ҳисобланиб, кўчатлари иккинчи йилдан ҳосил бера бошлайди. Меваси октябрь ойининг охири, ноябрь ойининг бошларида бирин-кетин пишади. Шунинг учун унинг ҳосили мавсумда 2-3 марта терилади.

“Тошкент” нави йилда икки марта — баҳор ва кўзда гуллайди. Ушбу нав жуда ҳосилдор бўлиб, ҳар бир дарахтида 350-400 донагача мева бўлади. Экспортбоп ва харидорғир. Уни

ва замонавий ресурс тежовчи технологияларни қўллаш асосида юқори сифатли саноатбоп ҳамда экспортбоп лимон етиштириш ҳажминини ошириш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини кенг жорий этиш мақсадида Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси номи Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасига ўзгартирилди.

Академик М.Мирзаев номидига боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти хузурида уюшма иштроқида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида масъулия чекланган жамият шаклидаги Цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар илмий-амалий маркази ташкил этилди.

Қарорда, шунингдек, инновацион технологиялар асосида янги, серхосил ва жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган лимон навларини яратишга етарли эътибор берилмаётгани, сифатли ахборот-консалтинг хизматларини кўрсатиш талаб даражасида йўлга қўйилмагани, кооперация муносабатлари тўлиқ шаклланимагани оқибатида соҳада мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмаётгани ҳам қайд этилиб, бу борада аниқ чоралар кўриш вазифалари кўрсатиб ўтилди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2022 йил 2 ноябрдаги “Иссиқхона ҳўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига қўра, иссиқхона ҳўжаликлари ва музлаткичи омборхоналар учун ажратилган миллий ва хорижий валютатадаги кредитларни қайтариш муддатларини умумий ҳисобда 14 йил этиб белгилаш ва имтиёзли даврини 3 йилдан 5 йилгача узайтириш қўзда тутилди. Бунда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан аввал тақдим қилинган кафилик ва кредит фоизлари компенсациялари сақланиб қолади.

Иссиқхона ҳўжаликларида экспортбоп маҳсулот етиштиришга талаб этиладиган айланма маблағлар учун хорижий валютатадаги банк кредитлари Экспортни рағбатлантириш агентлиги маблағлари ҳисобидан йиллик 4 фоиз ставкада ажратилади.

Иссиқхоналар лимон етиштириш учун энг қўлай воситадир. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ушбу қарордаги имтиёз ва енгилликлар ҳам лимончилик тармоғи янада яхшиланишига хизмат қилади.

— Чиндан ҳам, буларнинг бари Ўзбекистонда лимончилик борасида бошланган ишларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда, — дейди Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси раиси маслаҳатчиси Нуриддин Фахридинов. — Натижада 2021 йил якунига қўра, республика бўйича 2 минг 231 гектар майдонда лимонзорлар барпо этилди. Шунингдек, биз вазирамиздан келиб чиқиб, энг йирик импортчиларни бевосита иссиқхоналарга олиб келиб, етиштирувчи билан шартнома тузишларига ёрдамлашяпмиз. Нарҳини ҳам, етказиб бериш жараёниларини ҳам ўзлари келишиб олишади. Бу жуда катта имконият, албатта. Асосий мақсадимиз Ўзбекистонда лимонзорларни кўпайтириш, ҳосилдорлигини ошириш, дунё бозорига олиб чиқиш орқали аҳоли бандлиги ва даромадини оширишни таъминлашдир.

Дарвоқе, Нуриддин Фахридинов Зайниддин Фахридиновнинг фарзанди. Қишлоқ ҳўжалиги фанлари номзоди, доцент. Селекционер олим

**ВАҚТ ЎТАДИ, НАТИЖА БЎЛМАЙДИ.
ЛИМОН ГУЛЛАЙДИ, ЛЕКИН ҲОСИЛ
БЕРМАЙДИ. БУ ҲОЛАТ БИР НЕЧА ЎН ЙИЛЛАР
ДАВОМ ЭТАДИ. ШУНДАН СЎНГ “ДЕМАК,
МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЛИМОН ЕТИШТИРИБ
БЎЛМАС ЭКАН”, ДЕГАН ХУЛОСАГА КЕЛИНАДИ
ВА БАРЧА ЛОЙИҲАЛАР ТЎХТАТИЛАДИ.**



ҳам илмий изланишлар олиб бориш учун қўлай вазият яратади.

Вақт ўтади, натижа бўлмайди. Лимон гуллайди, лекин ҳосил бермайди. Бу ҳолат бир неча ўн йиллар давом этади. Шундан сўнг “демак, Марказий Осиёда лимон етиштириб бўлмас экан”, деган хулосага келинади ва барча лойиҳалар тўхтатилади.

Бироқ Зайниддин Фахридинов бу борадаги ишларни давом эттиришга аҳд қиладики, ҳаракат амалда самарасини беради. Яъни парваришланган лимон нишона ҳосилини беради. Кейинчалик лимон кўчати майдонлари кенгайтирилади. Шу тариқа Ўзбекистон табияти, иқлимига мос янги навлар яратилади.

Ҳозирги кунда юртимизда “Меер”, “Тошкент” ва “Юбилейний” номли лимон навлари парваришланади. “Меер” паст бўйли Хитой лимони

пўсти билан бемалол истеъмол қилиш мумкин. 1 гектар майдондан 80-120 тоннагача ҳосил оласа бўлади. Қаламчалардан етиштирилган кўчатлари 2-3 йилда ҳосилга қиради. Бошқа лимон навларидан тикани кам ёки йўқлиги билан ажралиб туради. Совуққа ва жазирама иссиққа бардошли. Мабодо, совуқ урса, тез тикланади. Қўроқчиликка, шўр тупроқ ва турли касалликларга чидамли. Мевалари октябрь ойида пишиб етилади.

“Юбилейний” эса пўсти қалин ва энг йирик лимон. Ундан эфир мойи, пектин ва сукатлар олинади. Меваси, асосан, қайта ишланади. У ҳатто, ҳаво ва тупроқ намлиги етарли бўлмаган шароитда ҳам ҳосил тугаверади. Лимончиликка қизиққанлар учун бу жуда қўлай нав.

Шароит ва ҳуқуқий асос бўлса...

Шароит ва ҳуқуқий асос ҳар бир жабҳага зарур. Яъни бу омилар ривожланиш пойдеворидир. Шу жиҳатдан, мамлакатимизнинг ноёб тупроқ-иқлим шароити, қўшли кунларнинг қўл бўлиши, тўрт фаслнинг ўз ўрнида келиши қишлоқ ҳўжалиги имкониятларини янада кенгайтиради. Ҳозирга қадар Аргентина, Туркия каби давлатлардан олинган лимон етиштириш борасидаги ижобий ўзгаришлар бунинг исботидир. Бугун ушбу тармоқни ривожлантиришга шахсан давлатимиз раҳбари томонидан эътибор қаратилмоқда. Ҳуқуқий ва молиявий асослар мустаҳкамланмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 19 февралдаги “Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори шундай мақсадга қаратилгани билан алоҳида ажралиб туради. Зотан, унда лимончилик билан боғлиқ долзарб ва устувор вазифалар белгилан берилди. Натижада ҳудудларда қаровсиз ётган ерлар ўрнида йирик лимонарийлар яратилиб, одамларнинг тадбиркорлик қобилияти юзага чиқиши, бандлиги таъминланишига замин яратилди. Жумладан, қарорга биноан, тармоқни янада ривожлантириш, илмий тадқиқотлар қўламини кенгайтириш, илгор

**“ЛИМОНЧИЛИК БОРАСИДА
БУГУНГИ ҚИЛИНАЁТГАН
ИШЛАРГА ИЛГАРИОҚ
ПОЙДЕВОР ҚЎЙИЛГАН.
БУ ЕРДА ГАП ЛИМОННИ
МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ
ХУСУСИДА КЕТМОҚДА.
ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛК БОР
ЛИМОН ЕТИШТИРИЛИШИ
ВА ЯНГИ НАВЛАР
ЯРАТИЛИШИДА ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ ҚИБРАЙ
ТУМАНИЛИК ОЛИМ-
АГРОНОМ ЗАЙНИДДИН
ФАХРИДДИНОВНИНГ
ХИЗМАТИ КАТТА БЎЛГАН.**

республикада илк маротаба лимонни сунъий туман ҳосил қилувчи қурилмаларда кўпайтириш технологиясини ишлаб чиққан. Ушбу ишланма 2017 йилги инновацион ярмаркада “Йилнинг энг яхши ишланмаси” номинациясида биринчи ўринни эгаллаган.

Самарадорлик ҳаракатга боғлиқ

Барака — ҳаракатда. Яъни лимончиликни ривожлантириш борасида кўриладиган чора-тадбирлар амалда ўз самарасини бермоқда. Бугун мамлакатимиздаги лимонзорларнинг умумий майдони 2 минг 320 гектардан ошиб, йилгача 63 минг тонна лимон етиштирилаётгани, экспорт салоҳияти 11 минг тоннани ташкил этаётгани, ҳосилдорлик гектарига ўртача 55-60 тоннага етгани бунинг исботидир. Бу, таъбир жоиз бўлса, лимоннинг асли ватани бошқа бўлса-да, у ўзимизникига айланмаётганини ҳам аниқлатади.

Кейинги йилларда лимон кўчатлари етиштириш ва лимон етиштирувчи иссиқхона ҳўжаликлари ташкил этишни жадаллаштириш, соҳанинг экспорт салоҳиятини янада юксалтириш, аҳоли бандлигига даромадини ошириш, айниқса, қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратиш механизминини таъминладиган ягона ташкилий тизимни барпо этиш борасида комплекс ёндашувлар бўлмоқда. Яратилган ҳуқуқий асослар асосида Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Халқаро қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш жамғармаси каби халқаро молиявий институтлардан кредит линиялари жалб қилиниб, замонавий лимонзорлар барпо этилиши бошланди.

Бу борадаги ишларни молиявий қўллаб-қувватлаш эса “Туронбанк” АТБ зиммасига юклатилган. Молия муассасаси Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) каби ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатиб, кредит линия маблағларини жалб қилди. Унинг натижасида 2020-2022 йилларда қарийб 876 гектар ерда замонавий лимончилик иссиқхоналари барпо этилиши режалаштирилган эди ва ишлар тизимли давом эттирилмоқда. Аҳамиятлиси, ушбу ишлар нафақат катта ҳажмдаги майдонларда, балки аҳоли томорқа ҳўжаликларида ҳам йўлга қўйилмоқда. Масалан, ўтган йилнинг ўзида жами 3 минг 448 хонадонда 96,2 гектар ихчам лимончилик иссиқхоналари кредит асосида фойдаланишга топширилди.

— Маҳалламизнинг номи ҳам Лимонзор, — дейди деновлик тадбиркор Нейматжон Рўзиев. — Чунки бизда аввалдан лимончилик билан шугулланган. Масалан, ёшлигимизда ҳовлимизда лимон экиларди. Ўзим ҳам қарийб 30 йилдан буён иссиқхонада лимон етиштираман. Ҳозир бир туп дарахтдан 100 килограммгача ҳосил оляпмиз. Ҳўжалиқда доимий 10 дан ортиқ, мавсумий эса 30 га яқин одам меҳнат қилади. Ҳосилни экспорт қилишга ҳам улгурдик. Хусусан, ўтган йили лимонларимиз Германия савдо расталарига етиб борди. Умуман олганда, меҳнат қилиб кам бўлмаямиз. Лимонларимиз миллионлар келтирмоқда.

Шу ўринда яна бир жиҳатни қўшимча қилиш лозим. Эндигина ерга қадалган лимон кўчатлари тўлиқ ҳосилга киргунча тахминан 4-5 йил талаб этилади. Бу вақт оралиғида эса экин остидаги бўш майдонлардан унумли фойдаланиш мақсадида тахминан 3 йил мобайнида сабзавотлар ва тўқсонбости полиз экинлари экилиб, фойда олиниши ҳам қўзда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ ҳўжалигида, хусусан, лимончиликдаги тажриба ва амалиёт одамлар хонадонига кириб бормоқда. Асосийси, бу ишлар худди бугун ерга қадалаётган лимон кўчатлари каби яқин келажақда меvasини бериши муқаррар.

ЭХТИРОМ

ДАҲОЛИК ҚУДРАТИ



Оқил САЛИМОВ,
академик

Бошланиши 1-бетда

Чингиз Айтматов фаолияти, бир инсон сифатидаги унинг ғоятда кенг қарашлари, интилишлари, қувончлари ва изтироблари менга бегона эмас. Турли даврларда, ҳар хил ҳолатларда у билан қўришишга, суҳбат қўришга имкон бўлган. Ҳар бир суҳбатимиз ҳамisha инсон ва инсоният, одам ва олам, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг инсон тақдири билан боғлиқ бўлган жиддий масалалари ҳусусида кечган. Ҳар сафар у билан суҳбатимиз инсон деган муқаррам ва аини пайтда мубҳам, тақдири чигал, бироқ ҳамisha саодатга, бахтли ҳаёт кечирishга интилишлар доирасида бўлган.

Чингиз Айтматов дастлабки ҳикоялари чоп этилиши билан кенг китобхонлар оммаси диққатини қозонди. Хусусан, “Жамила” қиссаси нашр этилиши билан нафақат адабий, балки ижтимоий ҳаёт, сиёсий тузум оқидамида катта воқеа бўлиб кўзга ташланди. Тез орада у бир неча хорижий тилларга таржима қилинди. Жаҳон адабиётининг нодир намунаси сифатида тан олинди.


Аспида Жамила оддий қирғиз қизи. Ҳамма сингари қишлоқ ҳаётининг бита-та вақиласи. Унинг кечикмалари, дарду ҳасратлари, уруш туфайли бахти қаро келинчак изтироблари ҳар бир ўқувчи қалбини ларзага келтиради. Уруш фожияси орқали миллатидан, элатидан, ирки ва диний мансублигидан қатъи назар, инсоннинг қалб ҳасрати қай даражада оғир ва изтиробли эканини ўқувчи ҳис этади. У Ер шарининг қайси бурчагида яшамасин, Жамила образида ўзини кўради. Чингиз Айтматовнинг бадиий маҳорати, кенг дунёқараш, ғоятда чуқур мулоҳазалилиги инсон қалбининг бутун моҳиятини, кенгликларини қамраб олганлигида. Уруш фожиялари орқали инсоннинг инсонлигини, ҳис-туйғуларни нозик ифодалаб бера олишида кўринади.

Чингиз Айтматов улкан жамоат ва маданият арбоби. У ёшлигидан инсоният тақдири ҳақидаги мунозарали ва мулоҳазали публицистик қишқирлари, Ер шари тақдири ва истиқболи билан боғлиқ дардчил ғоялари билан тилга тушган эди. Унинг бир қатор очерк ва публицистик мақолалари ўз даврида мавжуд сиёсий режим ва мафқурани маълум даражада талвасага солиб кўяр, ҳукуматнинг юқори раҳбарияти унинг қишқирларини алоҳида кузатар-ди. Бу бўлажак ёзувчининг умуммпланетар маъкеи куртак отаётганидан, бағр ёзаётганидан, катта ирода ва рухий

қудрат билан ривожланаётганидан далолат берад эди.

Эсимда бор: ўтган асрнинг 60-йилларида Чингиз Айтматов “Правда” газетасининг муҳбири бўлиб ишлаётган пайтлар эди. Унинг “Оқ олтин”нинг ойдин йўли” номли очерки газетада босилиб чиқди. Мақола ўша кунёқ Ўзбекистоннинг “отахон” газетаси “Совет Ўзбекистони”да ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилди. Айтиш мумкинки, мақолада бутун моҳияти билан совет пахта сиёсатининг нақадар шафқатсизлиги, меҳнатнинг қадрсизлиги, меҳнат кишининг қадриятлари ҳисобга олинмаётгани муаммо қилиб кўтарилган эди. Албатта, бу масалалар очиқ айтилмаган. Бироқ “қоса тагидаги нимқоса” мақоланинг бутун мазмуну эди. Ўзбек аёлининг ғоятда оғир, аянчли меҳнати, эрта баҳордан қаҳратон қишгача тўрт букилиб пахта етиштириш, уни териб олиш машаққатию азоб-уқубатлари жуда таъсирили ифодаланган. Муаллиф Ўзбекистонда етиштирилаётган пахтани вагонларга юкласа, Ердан Ойгача етадиган эшолон керак, деган фикрга келади. Пахта теришининг ўзи қай даражада оғир, майда, эртадан кечгача эгилиб меҳнат қилишни тақозо қиладиган машаққатлигини очиб беради.


Дарҳақиқат, Ўзбекистон СССРнинг асосий пахта хомашёсини етиштирувчи республика ҳисобланарди. Пахта эса СССР давлати ҳарбий саноатининг муҳим стратегик хомашёси эди. Граммлаб териладиган пахтадан миллионлаб тонналик хирмон уйиш қанчалик оғир меҳнат талаб қилишини ва бу меҳнат ўзининг қадрини тополмаётганини муаллиф жуда маҳорат ва аини пайтда катта жасорат билан очиб берган эди. Ўзимча арифметик ҳисоб-ки-тоб қилиб кўрдим. Бир ўзбек муштира аёли 100 килограмм пахта териш учун неча марта ерга эгилиши керак? Шу ҳолатда неча юзлаб метр юриши керак? Шунча кило юкни кўтариши керак. Бир чаноқ пахта 3 грамм бўлса, 100 килограмм учун нечта чаноққа эгилиши лозим? Кенг миқёсда олганда



бир миллион тонна пахта бир миллиард килограмм, бир триллион грамм бўлади. Ўзбек деҳқонининг машаққати, фидойилиги, азму шижоати нақадар буюк! Бу халқ бунчалар фидойи, ҳаёт роҳатидан, фарогатидан, жону жаҳонидан айрилиб Ватан деган муқаддас туйғунни қалбида жо қилиб яшаш... бу камдан-кам топиладиган ҳодиса!

Бу — ўзбек феномени! Ёш ёзувчи ва шиддаткор публицист Чингиз Айтматов бунчи ҳаммадан теранроқ пайқади, ҳаммадан кўпроқ тушунди, ҳаммадан чуқурроқ англади. Энг муҳими, инсон қадру қиммати, шаъни, у амалга ошираётган яратувчилик, бунёдкорлик ишлари муносиб қадрланиши, тақдирланиши лозимлигини баралла айта олди.

Маълумки, ўтган асрнинг 80-йиллари иккинчи ярми совет иттифоқида ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг кескин бўрилиш даври бўлди. Шу ўн йиллиқнинг бошларида ўзбек халқи бошига турли қулфатлар ёғилди. Унга мисли кўрилмаган таъна тошлари отилди. Ўзбеклар боқиманда халқ, Ўзбекистон қарз ҳисобида яшайдиган республика, деб аталди. “Пахта иши”, “Ўзбеклар иши” деган компания бутун Ўзбекистонни хонавайрон қилди. Шу ўн йиллиқнинг охирида эса бу кирдикорларнинг, айбловларнинг сир



очила бошланди. СССР халқ депутатларининг доимий сессиялари ва курултоилари жиддий мунозара майдониға айланди. Ана шундай қизгин баҳслар жараёнида Чингиз Айтматов ўзбек халқи ва Ўзбекистоннинг буюк халоскорларидан бири сифатида ўзини яна бир бор кўрсатди. Қурултой минбаридан туриб Ўзбекистондаги салбий ҳодисалар фақат Ўзбекистондагина эмас, балки Иттифоннинг ҳамма республикаларида, жумладан, марказда ҳам мавжудлигини очидан-очиқ гапирди. Бу борадаги жиноятчилар, давлат бойлигини талон-тарож қилганлар ҳамма жойда топилиши мумкинлигини баралла айтди. Ана шу жараёнда унинг навбатдаги ғоят бўҳронли, иттифоқ раҳбариятини ўйлашга мажбур қиладиган “Ошкоралик, демократия — ҳаёт дарахти” номли мақоласи “Правда” газетасида босилиб чиқди. Ушбу мақола ўзбек тилига таржима қилиниб, эртаси кўни “Совет Ўзбекистони” газетасида ҳам чоп этилди.

Мақолада муаллиф салбий ҳолатларга, йул қўйилган камчиликларга миллатнинг, халқнинг айби йўқлигини, айбловларни, тухматларни, маломат тошларини отишни бас қилиш кераклигини, миллат шаънини асраш лозимлигини очиқ-ойдин баён этди. Жумладан, мақолада “Рус маданиятининг ривожланишига Византиянинг таъсири қанчалик кучли бўлган бўлса, Марказий Осиё халқлари маданиятининг ривожланишига ўзбекларнинг таъсири шунчалик катта.

Демак, бу халқни айблаш, унинг шаънини поймол қилиш мумкин эмас. Айрим жиноятларни миллатга нисбат бериш қадриятларга хиёнат, қонуний жиҳатдан жиноят”, деган қатъий ҳулосага келади.

Мен ўша жараёнлардан хабардор одам сифатида айтишим мумкин-ки, Чингиз Айтматов ўзбек халқининг шаънини, халқро майдондаги обрў-эътиборини, буюк тарихини, ғоят мазмундор ўтмишини ва маҳобатли маданиятини бутун имконияти билан ҳимоя қилган эди. Албатта, қурултой минбаридан туриб Ўзбекистонни ҳимоя қилган ватандошларимиз, миллатдошларимиз кўп эди. Бироқ уларнинг орасида Чингиз Айтматовнинг овози ўзининг жарандорлиги, салобатлилиги, мазмундорлиги билан алоҳида ажралиб турар эди.

Қирғизистоннинг Ўш вилоятида юз берган қонли тўқнашувлар қирғиз ва ўзбек халқлари тарихидаги муҳим воқеалардан бири бўлди. Аини ана шу ғоят оғриқли, изтиробли кунларда Чингиз Айтматов Тошкентга келди. Ўзбекистон телевидениеси орқали чиқиш қилиб, бутун Ўзбекистон халқига мурожаат этди. Унинг ўша лаҳзалардаги оғир ҳолати ҳамон кўз ўнгимда турибди. У умуммпланетар маъкеи билан қондошу жондош бўлган икки миллат бошига тушган қулфатда ўзини айбдордай ҳис қилди. Салобатли овозида титроқ бор эди. У бутун халқимизни ҳамжихатликка, бирлашишга, фожиаларга эҳтирос билан эмас, ақл билан ёндашишга даъват этди. Бутун қирғиз халқи номидан ўзбек халқидан ўз сўради.

Кўп йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, бундай мардлик, бундай қатъият ҳаммада ҳам бўлавермайди. Мен ўшанда Чингиз Айтматовнинг дунё миқёсидаги маданият арбоби эканидан ҳам баланд турадиган қудратли, кучли, баркамол Инсонни кўрдим.

Чингиз Айтматов ўтган асрнинг 80-йиллариға келиб, инсониятнинг келажаги мавжуд ижтимоий-сиёсий жараёнлар оқидамида жудаям ёрқин эмаслигини, инсон деган муқаррам тақдири бирмунча чигал эканини чуқур тушунди. Уни дунёвий муаммо сифатида кўтарадиган, жаҳон зиёлилари диққатини бир нуқтада жамлаб, уларнинг ақлий салоҳиятини, интеллектуал имкониятини, инсонпарварлик ғояларини, инсон ва инсоният тақдирини ҳимоя қилишга, бахтли, саодатли ҳаётини асрашга чақира бошлади. Аини ана шу йилларда у “Иссиққўл форуми” ташаббуси билан чиқди. Бу форум ўша пайтда мавжуд илмий-ижодий уюшмалар, турли маърифий халқро ташкилотлардан фарқли ҳолда Чингиз Айтматов ташаббуси сифатида дунёға келди. Бунинг ўзига хос асослари бор эди. Чунки бу пайтга келиб адибнинг асарлари дунёнинг 180 дан ортиқ тиллариға таржима қилинган, бир неча 10 миллион нусхада нашр этилган эди. У жаҳон маданиятининг ноёб феномениға айланган эди. Ана шу умумдунёвий обрў, шон-шўҳрат Чингиз Айтматовни маст қилиб қўймаган эди. Аксинча, у ҳамма қатори жуссаси билан умумбашарий шон-шўҳрат остида унинг бутун мажбуриятини, жавобгарлигини чуқур ҳис қилиб, жаҳон зиёлиларини, илм-маърифати намояндаларини, маданият арбобларини ҳушёрликка чақирди. “Иссиққўл форуми” инсоният ҳайқириги ва эҳтиёжи сифатида хизмат қилишини баралла айтди.



“**ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ЎТГАН АСРНИНГ 80-ЙИЛЛАРИГА КЕЛИБ, ИНСОНИАТНИНГ КЕЛАЖАГИ МАВЖУД ИЖТимоий-СИёсий жараёнлар оқидамида жудаям ёрқин эмаслигини, инсон деган муқаррам зот тақдири бирмунча чигал эканини чуқур тушунди. уни дунёвий муаммо сифатида кўтарадиган, жаҳон зиёлилари диққатини бир нуқтада жамлаб, уларнинг ақлий салоҳиятини, интеллектуал имкониятини, инсонпарварлик ғояларини, инсон ва инсоният тақдирини ҳимоя қилишга, бахтли, саодатли ҳаётини асрашга чақира бошлади.**

Албатта, Чингиз Айтматовнинг ушбу олижаноб мақсадига эришиши осон бўлмади. Совет ҳукумати ва унинг олий раҳбарияти адибнинг бу чақиригидан бирмунча талвасаға тушди. Дунё зиёлиларининг Иссиққўлда тўпланиши, инсон қадри, шаъни, унинг саодатли ҳаёти ҳақидаги ғоялари баралла айтиши тоталитар режим манфаатлариға мос келмас эди. Бироқ аини Ч.Айтматов ташаббусини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО ва бошқа халқро ташкилотлар қўллаб-қувватлади. 1986 йили “Иссиққўл форуми”нинг биринчи халқро анжумани бўлиб ўтди. Дунёнинг энг машҳур зиёлилари, фан ва маданият арбоблари Иссиққўлда тўпланиб, инсоният истиқболи ҳақидаги қатор ғояларини муҳокама қилди. Бу жаҳон маданияти тараққиётида янги босқичдан далолат берад эди.

“Иссиққўл форуми”нинг ушбу анжуманида “Янги муносабат”, “Янги тафаккур”, “Янги дунёқараш”, “Янгича ёндашув” сингари атамалар унда муҳокама қилинган ғояларнинг мазмунидан келиб чиққан эди. Демак, мавжуд дунёни ўзгартириш учун аини ана шу атамалар шиордан ҳақиқатга, реал воқеликка айланиши зарурлиги таъкидланди.

“Иссиққўл форуми”нинг инсонпарвар ғояси бу маданиятлараро интеграция, яъни маданиятларнинг ўзаро яқинлашиши, бир-биридан қувват олиши, рағбатланиши, бир-бирининг ривожланишиға кўмак бериши орқали умумдунёвий муаммоларни ҳал қилишда кучлар бирлигини таъминлашдан иборат эди. Бироқ маданиятлар интеграцияси сунъий урчитилган сохта маданиятға олиб келмаслиги зарур. Тарихан шаклланган, бир неча минг йиллик эволюцион тараққиётни бошдан кечирган халқлар (дейлик, ўзбеклар) маданияти ҳимоя қилиниши, умумдунёвий маданий тараққиётға

асос қилиб олиниши, унинг бой маънавий-ахлоқий ва маърифий асослари тарғиб қилиниши лозим. Ч.Айтматовнинг интилишлари ва чақирқиқларида ана шу инсонпарвар ғоя мужассам эди.

Буюк адибнинг ҳеч қачон қийматини йўқотмайдиган, ҳар қандай замон ва маконда долзарб бўлиб турадиган, донишмандона бир гапи бор: “**Инсон учун энг қийини ҳар кўни инсоний бўлиб яшаш**”. Бу жуда катта фалсафий, маънавий-ахлоқий, интеллектуал салоҳиятни тақозо этадиган чақирик. Бу гапда инсон ҳар дақиқада, ҳар нафасида инсонийлигини ҳис қилиб турмоғи, инсоний фазилатларини тақомиллаштириши, бойитиб бориши зарурлиги айтилмоқда. Бу жуда қийин ҳолат. Инсон ўзини ўзи идрок этиши, ўзини ўзи бошқариб туриши, йўнаштириб бориши, иллатларини камайитириб, фазилатларини кўпайитириб, узлуқсиз одамлилаштириш оқидамида яшаши осон эмас. Лекин бу — зарурат! Бу — улкан глобал эҳтиёж!

Бизнинг, инсониятнинг ягона ва бирдан-бир ҳаёт манбаимиз, нажот майдонимиз — Ер шари. У ҳаммамизнинг онамиз. Ҳаммамиз ундан яралдик. Энди уни ярадор қилишмиз. Майиб-мажруҳ қилиямиз. Чингиз Айтматов бунчи жуда чуқур аңлар эди. Биздан кўра кўпроқ изтироб чекарди: “**Аваллари биз Ерга лоқайд ва худбинларча муносабатда бўлардик (Ҳозир бу, айниқса, равшан сезилиб қолди). У бизни едиршиш, ичиршишга, кийин-тришга, ҳимоя қилишга мажбур. Ўзи эса бунинг ўрниға ҳеч нарса талаб этмайди. Энди эса космосға чиққанмишдан сўнғ, ҳеч бир ифода этиб бўлмайдиган назокат ва изтироб билан тушундикки, унинг ўзи ҳам ҳимояға муҳтож экан.**” Бу улғ адибнинг қалб изтироби, инсоний дарди эди. У бир уяр ана шу изтироб ва дард билан яшарди. Бу изтироб ва дардини бизға мерос қилиб қолдирди.

НУҚТАИ НАЗАР

ҲАЛОЛ ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИНИ ТАЙЁРЛАШ КОРРУПЦИЯСИЗ ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ТАРАҚҚИЁТГА ҚЎШАДИГАН ЭНГ КАТТА ҲИССАСИДИР

**Алишер НАЗАРОВ,
Тошкент давлат шарқшунослик университети коррупцияға қарши курашиш комплаенс назорат тизимини бошқариш бўлими бошлиғи**

XXI асрда коррупция истисносиз барча мамлакатларға хос долзарб муаммолар қаторида қолмоқда. Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар натижасида замонавий шароитда давлатларға катта моддий зарар етказилмоқда. Дунё бўйича ҳар йили 1 триллион доллар миқдоридаги маблағ пора учун сарфланади. Ушбу маълумотлар БМТнинг ҳар йили 9 декабрда нишонланадиган Коррупцияға қарши кураш халқро кўни муносабати билан тайёрланган тадқиқотида келтирилган. Коррупция натижасида давлатлар ҳар йили 2,6 триллион доллар миқдорида зарар кўрмоқда, бу жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 5 фоизига тенг. Еврокомиссия маълумотиға кўра, коррупция Европа иқтисодиётиға ҳар йили 120 миллиард евро зарар келтирмоқда.

Мансаб мавкеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида коррупция ҳар қандай жамиятнинг сиёсий ва иқтисодий ривожланишиға асосий тўсиқ бўлиб келади. Коррупция урчиган давлатда қонун устуворлиги принципи сусаяди,

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилади. Шу билан бирга, уюшган жиноятчилик, терроризм ва инсоният хавфсизлигиға қарши қартилган бошқа таҳдидлар ҳам кучаяди.

Мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши муросасиз курашишининг халқро

стандартларға асосланган илгор тизимини жорий этиш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда. Жумладан, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида очиклик, ошкоралик ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мансабдор шахсларнинг аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини йўлга қўйиш орқали давлат бошқарувида самарали ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур шароитлар яратилди.

Хусусан, олий таълим муассасаларида ҳам коррупцияға қарши курашишининг комплаенс назорат тизими йўлга қўйилди. Бунинг учун 20 га яқин меъёрий ҳужжат қабул қилинди.

Рақамли технологиялар имкониятидан кенг фойдаланган ҳолда, коррупция ва мансабни суистеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олишға қартилган самарали механизмлар жорий этилмоқда. Жумладан, талабаларнинг ўқишини кўчириш, тиклаш ва хоржидан кўчириш жараёни очик ва шаффоқ бўлишини таъминлаш мақсадида аризаларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш махсус автоматлаштирилган онлайн дастур ёрдамида амалга оширилмоқда.

Олий таълим муассасалари фаолияти очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, ўқув, илмий, маъмурий ва молиявий жараёнларни автоматлаштириш, тизимда бюрократик тўсиқлар юзаға келишининг олдини олиш ва молиявий харажатларни қисқартириш, бошқарув жараёни учун сарфланадиган вақтни камайитириш ва меҳнат самарадорлигини ошириш мақсадида “Олий таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизими” (HEMIS) ишлаб чиқилди. У маъмурий, ўқув, илмий ва молиявий жараёнларни бошқариш модулларини ўз ичига олади.

Тошкент давлат шарқшунослик университети мисолида айтадиган бўлсак, университетнинг коррупцияға қарши курашиш бўлими томонидан профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабалар учун коррупциявий ҳолатлар бўйича хабар қилиш имконини берувчи ишонч телефони ҳамда телеграм ижтимоий тармоғида махсус бот ишга туширилди.

Ўқув йили давомида университет профессор-ўқитувчилари, ходимлари ва талабалари билан “Коррупциянинг олдини олиш ва унга

қарши курашиш” мавзусида очик дарслар, профилактик тадбирлар ташкил этилиб, коррупциявий ҳолатларни аниқлашға қартилган сўровномалар ўтказилмоқда. 9 декабрь — Коррупцияға қарши курашиш халқро кўни доирасида таълим муассасасида турли танловлар, маърифий тадбирлар ҳамда давра суҳбатлари ўтказиш аънамага айланган.

Коррупцияға қарши курашиш ва коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, ушбу жараёнда жамоатчиликни кенг жалб этиш ва коррупцияға нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан. Бу борада нафақат масъул идоралар, балки кенг жамоатчилик ҳам ҳамжихат ва ҳамфикр бўлмоғи лозим. Шундан келиб чиқиб, қаердадир тамағирлик, порахўрлик ҳолатиға дуч келсак, бефарқ бўлмаслигимиз, аксинча, коррупция иллатини бартараф этишға қартилган саяй-ҳаракатларни виждонан бажаришға киришмоғимиз бурч ва масъулиятимизға айланмоғи даркор.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

МЕХРДОШЛИК ҲАҚИДА МУШОҲАДА ЮРИТГАНДА, ЖАМИЯТДА БУНДАЙ МУҲИТ ШАКЛЛАНИШИНИНГ БИР ҚАТОР АСОСЛАРИНИ КЎРАМИЗ. КЕЛИНГ, ШУ ЎРИНДА “МЕҲР” СЎЗИНИНГ ҚУДРАТИ БИЛАН ЙЎҒРИЛГАН ТЎРТ МУҲИМ ИСЛОҲОТНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛАЙЛИК.

МЕҲРЛИ СИЁСАТ ВА МЕҲРЛИ ЖАМИЯТ

Ҳаётда қиёслар, тимсоллар кўп. Тирикликнинг тимсоли — ҳаракат, эзгулик яхши амаллар билан қиёсланади, комил инсон тимсоли билим, тарбия, ақл ва маънавий етуқлик билан менгзалади. Меҳрнинг қиёси ёки бирор тимсоли борми? Унинг ажри қандай бўлади?



Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Халқимиз шукҳли кунларга ўз-ўзидан эришмагани аён ҳақиқат. Шуларни уйлар эканмиз, Янги Ўзбекистоннинг меҳрли сиёсати кўз олдимиздан ўтади.

Авалло, айтиш жоизки, конституциявий ислохотлар палласида Асосий қонуниимиз негизига ҳам инсонпарварлик сиёсати сингдирилмоқда. Бу, биринчидан, янгилаётган Бош қонуниимиз ҳақиқий халқ Конституциясига айлантирилаётганида, иккинчидан, унда асосий эътибор “Инсон — жамият — давлат” тамойили акс этаётганида кўзга ташланади.

Шу жумладан, Конституциямиз қабул қилинганининг ўттиз йиллиги муносабати билан Президентимиз фармони асосида жиноят содир этиб, ўз қилмишига пушаймон бўлган, тузатиш йўлига ўтган бир гуруҳ юрдошларимиз афв этилгани ҳам юртимизда кеңиримлилик, меҳрли сиёсат юритилаётганидан далолат беради. Умуман, Президентимизнинг қатъий сиёсий иродаси билан афв этиш институтининг жорий этилгани Янги Ўзбекистонда инсонпарварлик тамойиллари тизимли йўлга қуйилганидан дарак беради.

Меҳрдошлик ҳақида мушоҳада юритганда, жамиятда бундай муҳит шаклланишининг бир қатор асосларини кўра-миз. Келинг, шу ўринда “МЕҲР” сўзининг қудрати билан йўғрилган тўрт муҳим ислохотни таҳлил қилайлик.

БИРИНЧИ ИСЛОҲОТ: Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар ва Болалар шаҳарчаларида тарбияланаётган меҳрга муҳтож болаларга оид хайрли ишлар.

Бундан беш-олти йиллар нарини эслайлик. Уша вақтларда Меҳрибон-лик уйларида кўп тадбирлар ўтказилар, доираю рубобни кўлга олиб, болаларни рақсга туширар ва қозога аллақандай ҳисоботни қайд этиб, орта қайтар эдик. Тўрт девор ичида вояга етаётган меҳрга муҳтож болаларнинг эртанги кунни эса ҳеч қимчи қизиқтирмасди.

Янги Ўзбекистондаги меҳрли ислохот-лар эпкинни ана шу аянчли тизим қиёфа-сини буткул ўзгартирди. Хусусан, охириги йилларда ота-она қарамоғидан маҳрум болаларга ғамхўрлик кўрсатиш бўйича буткул янги тизим яратилди. Уларни уй-жой билан таъминлаш тартиби белги-ланди. Унга кўра, ўзига бириктирилган уй-жойга эга бўлмаган ва тураржойга муҳтож сифатида ҳисоба турган бола-

ларга улар 18 ёшга тўлган йили умумий майдони 25 квадрат метрдан кам бўлма-ган 1 хонали, вояга етган болалар ўрта-сида никоҳ тузилган ҳолатларда эса 50 квадрат метрдан кам бўлмаган 2 хонали квартиралар ажратилади.

Жорий йилнинг биринчи чораги якун-лари бўйича олинган маълумотга кўра, Меҳрибонлик уйларидаги 1,5 мингга яқин ўғил-қиз оилаларга олинган, 116 та оилавий уй ташкил қилиниб, 700 га яқин бола ота-она бағрида вояга етиши учун шароит яратилган. Пировардида, 10 та Меҳрибонлик уйи, 4 та Болалар шаҳар-часи ва 2 та Болалар уйи ёпилган. Утган йили 757 бола уй-жой билан таъминлан-ган бўлса, 2022 йил якунига қадар яна 350 нафарига шундай шароит яратиб берилиши мақсад қилинган.

Бу жамиятимизнинг янги қиёфасини шакллантиришда яхши самара бери-ши табиий. Гап шундаки, бугун ота-она бағрида вояга етаётган 700 га яқин ўғил-қиз қалбда Ватанга, одамларга муҳаб-бат ўйongan, давлат сиёсатига ишонч ортган. Кун келиб, улар бу меҳрибонлик сиёсатини оила қуриб, фарзандли бў-либ, ўғил-қизларни вояга етказиб, жа-миятимиздаги фаол тараққиёт муҳитига асос солиши ҳам бор гап.

Алишер Навоий бобомизнинг “**Ким-ки бир кунли бузунгнинг хотирини шод айлағай, Онча борким, Катба вайрон бўлса, обод айлағай**”, деган мисралари бор. Бугун Меҳрибонлик уйларида яша-ётган бегубор ўғил-қизларни фарзанд-



бўлса. Шу маънода, узок йиллар қуролли тўқнашувлар, қонли жанглар майдонида яшаб, ҳар сонияда ўлим дахшати билан рўбарў келган юзлаб юрдошимиз ҳар биримизнинг ҳаётимизда ўз аксини то-паётган халқчил ислохотлар эпкинидан баҳраманд бўлди.

Утган қисқа вақтда Сурия, Ироқ ва Афғонистонда оғир ахволга тушиб, чо-расиз қолган 530 дан зиёд аёл ва бола Ўзбекистонга олиб келинди. Шунингдек, пандемиянинг оғир шароитида ўзга эл-ларда чорасиз қолган кўплаб юрдошла-римиз ҳам мамлакатимизга қайтарилди.

Бу каби инсонпарварлик амаллари ҳеч бир минтасиз, фуқароларимизнинг ортиқ-ча ташвишсиз амалга ошгани билан ҳам халқро эътирофга сазовор бўлди. Жумла-дан, **БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича ке-н-га-шининг Терроризмга қарши курашда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш масалалари бўйича**



ликка олиб, ўз уйида, саховатли бағрида вояга етказётган юрдошларимиз ҳақи-да гапирганда беихтиёр шу сўзларни эслаймиз ва жамиятимиздаги бундай меҳрдошлик ҳисси бардавом бўлсин, дея ният қиламиз.

ИККИНЧИ ИСЛОҲОТ: “Меҳр” инсонпарварлик операцияси.

Мустақил ўтган ҳар бир куннинг қадри ўзгача. Айниқса, у меҳр-саховат, узок ку-тилган янгилинишлар билан йўғрилган

махсус маърузачиси, 2021 йили мамла-катимизга келган **Фиюннуала Ни Алоайн Ўзбекистоннинг қонун ижодкорлиги ва халқро ҳужжатлар қабул қилишда ташаббускорлик кўрсатиш соҳаларида етакчи эканлиги эътироф этган ҳолда, “Меҳр” операцияси доирасида фуқаро-ларни мамлакатга қайтариш, реабилитация ва реинтеграция қилиш борасида-ги саъй-ҳаракатларини юксак баҳолади.**

— Англанганим шунки, саховатли халқи-миз, тинчлик ва хотиржамлик ҳукмрон юртимизнинг қадрига етиб ҳаёт кеңири-шимиз керак экан, — дейди тошкент-лик Р.Хотамова. — Турмуш урғотимнинг даъвати билан адашиб бегона юртларга бориб қолдим. Бу менинг ҳаётимдаги энг катта хатоим бўлди. Афсуски, буни кеч англадим. У ёқларда фақат ва фақат юр-тимиздаги тинч ҳаётда хотиржам ҳаётни кўмсаб яшадик. Ҳаётдан, юртимизга қай-тишда бутунлай умидимни узган эдим. Лекин биз каби адашганларни Прези-дентимиз, давлатимиз ташлаб қўймади. Ҳозир худди туш кўраётганга ўхшайман. Энди ўз юртимда, ота-онам бағрида хо-тиржам ҳаёт кеңири, меҳнат қиламан. Фарзандларим тарбияси билан шуғул-ланяпман. Аслида аёл киши учун бундан ортиқ бахт йўқ.

Бугун чет эллардан олиб келинган юзлаб фуқароларимиз оилаларида тинч-осойишта ҳаёт ҳукм сурмоқда. Уларнинг барчаси фарзандлари, яқинлари бағрида



ЎТГАН ҚИСҚА ВАҚТДА СУРИЯ, ИРОҚ ВА АФҒОНИСТОНДА ОҒИР АХВОЛГА ТУШИБ, ЧОРАСИЗ ҚОЛГАН 530 ДАН ЗИЁД АЁЛ ВА БОЛА ЎЗБЕКИСТОНГА ОЛИБ КЕЛИНДИ. ШУНИНГДЕК, ПАНДЕМИЯНИНГ ОҒИР ШАРОИТИДА ЎЗГА ЭЛЛАРДА ЧОРАСИЗ ҚОЛГАН КЎПЛАБ ЮРДОШЛАРИМИЗ ҲАМ МАМЛАКАТИМИЗГА ҚАЙТАРИЛДИ.

тирикчилик ташвиши билан банд. Янги Ўзбекистонда бахтиёр яшай бошлаган-дан мамнун ҳолда миннатдорлик руҳи билан фаол ижтимоий ҳаётга сингиб кетган.

УЧИНЧИ ИСЛОҲОТ: Президентимизнинг 2020 йил 26 майдойи фармони билан “Меҳр-саховат” кўрак нишони таъсис этилди. “Саховат ва кўмак” жамғармаси фаолият бошлади.

ўтган халқимизга, саховатли инсонлари-мизга безэтибор бўлмади. Аввало, ўзи намуна кўрсатди, ҳар бир ишнинг боши-да шахсан ўзи турди.

Эзгу ишларнинг муқофоти сифатида минглаб юрдошларимизни “Меҳр-сахо-ват” кўрак нишони билан тақдирлади. “Саховат ва кўмак” жамғармасини таш-кил этди.

Пандемия давридаги оғир шароит ва ундан муваффиқиятли ўтганимиз ҳақи-да ҳозир ҳам осон ёзаётганимиз йўқ. Агар у кунларнинг барча тафсилотини — кечаю кундуз, жонини хатарга қўйиб ти-нимсиз меҳнат қилган турли касб эгала-рини, яқинларидан айрилган юрдошла-римиз изтиробини, иқтисодиётимиз ва олдимизга қўйган режаларимиз, олий мақсадларимиз йўлига тушалган катта ғовларни айтсак, катта дoston бўлади.

Лекин меҳр-мурувват, саховат инсо-нийлик безаги эканки, шу тўғрисида бугун у кунлар ҳам орта қолди. Илоҳим, чин бўлсин.

ТЎРТИНЧИ ИСЛОҲОТ: Меҳрли сиё-сат тўғрисида одамлар ҳаётида рўй берган янгилинишлар фаровон ҳаёт шукҳини таъминламоқда.

Юқорида меҳрдошлик муҳити шакл-ланишининг бир қатор асослари бор, дедик. Ҳозир туртинчи ва энг муҳим ис-лохот мисолида жамиятимизнинг янги қиёфаси қандай шаклланиши ҳақида фикрлашсак.

Авалло, жамиятда эркин сўз айтиш муҳити пайдо бўлгани, одамларнинг орзу-уйлари, ташвишлари билан қи-зика бошлангани, кўп йиллик муаммо-ларга тезкорлик билан ечим топишга киришилгани юрдошларимиз ўртаси-да меҳр ҳиссини жўшдирди.

Хусусан, бу эркинлик ва “Инсон қадри учун” тамойили асосидаги катта сиёсат давлат ва халқ ўртасидаги тўсиқларни олиб ташлади. Ўзаро ишонч ҳиссини юзгага келтирди. Ишонч шундай нарсани, у бор жойда интилиш, ҳаракат бўлади, ташаббусларга йўл очилади, мақсадга эришиш йўлида бирлашिलाди. Бу эса жамоавий муҳитга асос солади. Шу та-риқа янги меҳрдошлар, қадрдон кишилар жамоаси шаклланади.

“Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари одамларнинг ўзаро меҳр ришталарини боғлади. Бойси, ҳар бир қишлоқ ва маҳаллада рўй берган катта ўзгаришлар, аввало, одамларни жипс-лаштирди. Аҳиллик бор жойда меҳр пай-до бўлиши ҳам-жондек равшан.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш сиёсати ҳам мамлакатимизда меҳрли жамият пайдо бўлишига замин ярат-ди. Қандай қилиб, дейсизми?

Инсон дунёда умид билан яшайди. “Орзуларимга етай, шинам уй-жойим бўлса, бекаму кўст яшасам, жамиятга, давлатга, оиламга, маҳалла-қўйга фой-дам тегса”, дейди.

Янги Ўзбекистон шароитида уй-жойга муҳтож аҳоли муаммолари ҳам ўз ечи-мини топа бошлагани, бу тарихий жара-ёнда минглаб юрдошларимиз уй билан таъминлангани жамиятда кўтаринкилик

кайфияти уйғотди, одамларда реал ҳаётга ишонч пайдо бўлди. Бу билан кенг аҳоли қатламнинг дунёқараши ўзгарди, энди уларда ислохотлардан розилик ҳис-си жўш ура бошлади.

Янги қад рoстлаган тураржой мас-сивларида янги қўшничилик муҳити, “жўшқин фикрлар ҳовлиси” пайдо бўлди. Бу, албатта, меҳрли жамият тушунчасига улашиб кетади.

— Ўн йилга яқин қизим билан ижа-ра уйларида яшадик, — дейди 40 ёшли У.Аҳмедова. — Ижарада яшашнинг ўзига яраша қийинчиликлари кўп. Қизим бoч-га, сўнг мактабга чиқди. Ижарама-ижара қўчиб юриб, бир неча бор мактабини ал-маштиришга тўғри келди. Бу ҳам қизими-нинг руҳий ҳолатига таъсир қилар эди. “Қачон ўз уйимиз бўлади”, дея савол бера бошларди. Шундай чоғларда кўн-лим ўқисан кунлар кўп бўлган. Ўз уйим бўлса, рўзгорни тўқис қилиб қўйсам эди, деб орзу қилганман. Сергели туманида катта қурилишлар бошланганча, бизнинг қалбимизда ҳам умид ўқуни пайдо бўл-ди. Бугун уйим бор. Қизим, яқинларими-нинг олдида юзим ёруғ бўлди. Ҳаётим-дан, бугунги кунимдан мамнунман.

Инсонпарварлик сиёсатининг ҳар бир идора, ташкилот кесимида ифода эти-лиши ва бу йўлда давлат ташкилотлари сатъ-ҳаракати ҳам эътиборга олиқ.

Қовун қовундан ранг олади, дейимиз. Агар бу мақолани бугунги ҳаётимизга қиёсан ишлатсак, халқ дardини уйлаб бошланган катта ислохотлар, одамлар ташвиши билан яшаш тамойили кат-та-катта ташкилотлар, давлат идорала-ри фаолиятида ҳам ўз аксини топаётга-нига туюқ бўлиамиз.

Бунга мисоллар кўп. 2018 йилда Тошкент шаҳри Ички ишлар бош бошқармаси томо-нидан муайян яшаш жойи, яқин қариндош-лари бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш маркази ҳузурида “Меҳр-саховат” уйи ташкил этилганини айтилик.

Бу масканда 18 ёшдан ошган, муайян яшаш жойи, яқин қариндошлари бўл-маган шахслар қабул қилиниб, уларга ижтимоий, тиббий ёрдам кўрсатила-ди, шунингдек, тегишли ташкилотлар, маҳаллалар билан ҳамкорликда мавсу-мий меҳнат фаолияти билан таъминлаш чора-тадбирлари қўрилади.

Ички ишлар вазирлиги ходими Ҳасан Раҳматуллаевнинг маълум қилишича, “Меҳр-саховат” уйи ташкил этилгандан буюн 1064 шахсга фуқаролик паспорти олишга кўмаклашилди, 824 нафари ишга жойлаштирилди, 58 фуқарога нафақа расмийлаштирилди, 20 фуқарога ноги-ронлик аравачаси олиб берилди.

Яна бир мисол. Президентимиз қаро-ри билан Меҳрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчалари, оилавий болалар уйлари ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг Болалар уйлари (ўқув-тарбия муассасала-ри) Миллий гвардияга бириктирилди.

Бугун Миллий гвардия ходимлари бу каби муассасалардаги ўғил-қизларнинг таълим ва тарбия олиши, бўш вақти са-марали ташкил этилиши учун жонкуяр-лик билан иш олиб бормоқда.

Бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбеки-стонда меҳрли сиёсат ва меҳрли жамият муҳитига кенг йўл очилди. Пировардида, бу каби эзгу амаллар инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган саъй-ҳаракатлари-мизга янги мазмун бағишламоқда.

Қувонарлики, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсонпарвар-лик саъй-ҳаракатларини тизимли давлом эттиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу ногиронлиги бўлган шахсларни қўл-лаб-қувватлаш бўладими, тиббий ёрдам, ижтимоий ҳимоя пакетларини жорий этиш бўладими, ёшларни уй-жой билан таъминлаш сиёсатини, хуллас, барча-барчаси инсон қадрини улуғлашдек олий мақсадимизга ҳамоҳангдир.

Албатта, бу борадаги ишларни бир мақолага қў қилиш қийин. Шунга қара-май, амалга оширилаётган ислохотлар борасида қисқача бўлса-да маълумот беришга ҳаракат қилдик, ҳолос.

Президентимиз таъбири билан айт-ганда, **“Янги Ўзбекистонни ўз ҳаётидан рози, бахтли инсонлар мамлакатига, ҳар томонлама ривожланган ижти-моий маконга айлантириш ушбу йўна-лишдаги ислохотларимизнинг асо-сий мақсадиридир”.**

Шундай экан, Янги Ўзбекистонда ҳеч қим эътибор, меҳр ва ғамхўрликдан бебаҳра қолмайди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфия хизматидан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1264.
80849 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қўғоз бичими** А2. Баҳоиси келишилган нархда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Махмудов
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза Якуни — 23:15 Топирилди — 01:15